



2.

чикиндиларни олиб кетишда коммунал хизмати тўлови микдорларнинг тўлик ундирилиши ва маблагларнинг мақсадли фойдаланиши устидан назоратни кучайтирсин.

4. Мазкур қарор “Хоразм ҳақиқати” ва “Хорезмская правда” газеталарида эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Р.Рузметов зиммасига юклатилсин.

“27” апрель 2013 йил

Урганч ш.

№ 87к

Ўҳса №

**Юридик ва жисмоний шахслардан қаттиқ ва суюқ маиший
чикиндиларни олиб кетиш билан боғлиқ хизматлар
тарифи тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Чикиндилар тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги 239-сон қарори билан тасдиқланган “Товарлар (ишлар, хизматлар)га тартибга солинадиган нархлар (тарифлар)ни шакллантириш, декларация қилиш (тасдиқлаш) ва белгилаш ҳамда уларнинг қўлланилишини давлат томонидан назорат қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ Урганч шаҳрида қаттиқ ва суюқ маиший чикиндиларни олиб кетиш билан боғлиқ хизматлар тарифини белгилаш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. “Урганч махсус санитар транс” ишлаб чиқариш давлат қорхонаси (кейинги ўринларда “Урганч махсус санитар транс” ИЧДК” деб юритилади) (А.Эрнязов) томонидан Урганч шаҳридаги Юридик ва жисмоний шахслардан қаттиқ ва суюқ ҳолдаги маиший чикиндиларни (кейинги ўринларда “Чикиндилар” деб юритилади) олиб кетиш ва қабул қилиш хизматлари учун тўлов микдорлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Урганч махсус санитар транс” ИЧДК томонидан аҳолидан чикиндиларни тўплаб олиб кетганлиги учун тўловларни вақтида тўланишида, маҳалла фуқаролар йиғини раислари ҳамда кўп квартирали уйларда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари яқиндан амалий ёрдам кўрсатсинлар.

3. Урганч шаҳар ҳокимлиги (И.Ёқубов) “Урганч махсус санитар транс” ИЧДК томонидан шаҳарда юридик ва жисмоний шахслар билан белгиланган тартибда чикиндиларни олиб кетишда аҳолини ҳаётига соғлиғига ва атроф-муҳитга, истеъмолчиларнинг шахсий мулкига зарар олиб келмайдиган ҳолда ва санитария қонун ҳужжатларига, санитария нормаларига, қоидаларига риоя этилишини таъминласин;



Вилоят ҳокимининг
2013 йил "22" апрель
87к- сонли қарорига
1-илова

Бюджет ва мулкчилик шаклидан қатъий назар қорхона ва ташкилотлар,
"Урганч махсус санитар транс" ишлаб чиқариш давлат қорхонаси томонидан
қаттиқ ва суюқ ҳолдаги чиқиндиларни тўплаш ва олиб кетиш, марказий
чиқиндиҳона объекти (свалка)га жойлаштириш хизматлари учун тўлов
миқдори

№	Хизматлар номи	Ўлчов бирлиги	Белгиланган наرخ миқдорлари (қўшилган қиймат солиқсиз сўм)
1	Қаттиқ ҳолдаги чиқиндиларни тўплаш ва олиб кетиш хизматлари	1 тонна	39100
		1 рейс	117300
2	Суюқ ҳолдаги чиқиндиларни олиб кетиш хизматлари	1 тонна	39100
		1 рейс	136850
3	Марказий чиқинди сақлаш объектига қаттиқ ҳолдаги чиқиндиларни қабул қилиш хизмати	1 тонна	1745,40
4	Автомашина ва тракторлардан фойдаланиш	1 машина соат	15616,3
5	Аҳолидан қаттиқ маиший ахлатларни олиб кетиш учун	1 (бир) жон бошига	1000 сўм

Изоҳ: Хизмат тўловлари нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан қонунларда
белгиланган тартибда амалга оширилади.